

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГИЁСОВА НИГОРА ОДИЛЖОНОВНА

**ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ НЕГИЗИДА РИВОЖЛАНГАН
ПОСТКОВИД СИНДРОМДА КУЗАТИЛАДИГАН НЕФРОПАТИЯНИ
ТАШХИСЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ДАВОНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Гиёсова Нигора Одилжоновна

Гипертония касаллиги негизида ривожланган постковид синдромда кузатиладиган нефропатияни ташхислашга замонавий ёндашувлар ва давони мувофиқлаштириш..... 3

Гиёсова Нигора Одилжоновна

Современные подходы к диагностике нефропатии при постковидном синдроме, развивающийся на фоне гипертонической болезни и оптимизация лечения.....25

Giyosova Nigora Odiljonovna

Modern approaches to the diagnosis of nephropathy in post-covid syndrome, the development of hypertensive disease and optimization of treatment..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГИЁСОВА НИГОРА ОДИЛЖОНОВНА

**ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ НЕГИЗИДА РИВОЖЛАНГАН
ПОСТКОВИД СИНДРОМДА КУЗАТИЛАДИГАН НЕФРОПАТИЯНИ
ТАШХИСЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ДАВОНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib.3291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Нилуфар Шариповна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Равшанбек Бабажанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Шодидулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Доғистон давлат тиббиёт университети, РФ

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси, 10. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси 10. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

\

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каримова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти. ЖССТ маълумотларига кўра, COVID-19 билан касалланган шахслар орасида асосий хавф гуруҳини коморбид ҳолатлари мавжуд бўлган беморлар ташкил этади. Бошқа бир томондан коронавируснинг бошқа сурункали касалликлар билан бирга кечиши беморлар ташхисоти ва даволашни танлашда ўзига хос муаммоларни пайдо қилапти. Ўтказилган қатор кузатувлар орасида юрак қон томир касалликлари, шу жумладан артериал гипертензия, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кўп учраши қайд этилган. Улар орасида COVID-19 ривожланишида ва оғир кечишида гипертония касаллиги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу инфекцияга чалиниш дунё миқёсида нисбатан барқарорлашган бўлса ҳам бугунги кунда (2023 йил, март) ер юзидида 676,1 млн аҳоли SARS-CoV-2 вируси билан зарарланган ва ўлим ҳолати 6,8 млн ни ташкил этапти.

Жаҳон миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотлар артериал гипертензия COVID-19 да энг кўп учрайдиган ёндош касаллик эканлигини кўрсатди ва 10% дан 34% гача ҳолатларда қайд этилганлигини тасдиқлади. Уларни биргаликда келиши нафақат, COVID-19 нинг балки артериал гипертензиянинг ҳам оғир асоратларига, жумладан буйракларнинг зарарланишига олиб келади. Бунда юқори босим ҳамда вируснинг бевосита буйракларга салбий таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки коронавирус нишон ҳужайраларга ангиотензин айлантурувчи фермент-2 (ААФ-2) рецепторлари орқали кириб боради. Маълумки, ангиотензин-1 ангиотензиногендан ренин таъсирида ажралади ва ангиотензинни айлантурувчи фермент таъсирида ангиотензин II га айланади. ААФ-2 рецепторлари буйраклар, ўпка ҳужайралари, юрак, ичаклар ва бошқа аъзоларда мавжуд. Ренин-ангиотензин-альдостерон тизими инсон физиологик ҳолатида ва юқорида келтирилганидек қон босимини бошқаришда муҳим ўрин тутди. Шу ўринда ангиотензинни айлантурувчи фермент ингибиторлари (ААФИ) ва ангиотензин II рецепторлари блокаторлари (АРБ) COVID-19 артериал гипертензия билан кечганда даволашда айрим мунозарали фикрлар мавжуд.¹

Республикамизда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича 40-59 ёшдаги эркаклар орасида гипертония касаллиги (ГК) тарқалиши 26,6 % ни ташкил қилган. Аҳолининг ёшига боғлиқ ҳолда ўтказилган тадқиқотлар ёши улуг ҳамда кекса 60-89 ёшдаги аёлларда 67,8%, эркакларда 62,7% ва ўртача 65,7% га тенглигини кўрсатди. Албатта бу мустақиллик йилларида аҳоли умр кўриш давомийлигини сезиларли ошиши ҳамда касалликларни аниқлашнинг янги усулларини жорий қилиш билан ҳам боғлиқ. Бугунги кунда республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талабларига

¹ Emami A, Javanmardi F, Pirbonyeh N, Akbari A. Prevalence of underlying diseases in hospitalized patients with COVID-19: a systematic review and meta-analysis. Arch Acad Emerg Med. 2020;8(1)

мослаштириш ҳамда унинг турли минтакаларида юқумли бўлмаган сурункали касалликларни камайтиришга қаратилган «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж хизматининг самарали моделларини яратиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...» каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони², 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида ГКда айниқса коронавирус ўтказган беморларда буйракда ўзгаришлар кузатилса хасталик оқибатини кескин оғирлаштириши тасдиқланган. Бу ўзгаришлар эрта аниқланиб, монанд даво чоралар қўрилмаса беморларда сурункали буйрак касаллиги (СБК) нинг оғир терминал босқичи ривожланиб организмда ортга қайтмас ўзгаришлар юз бериши кўп сонли кузатувларда исботланган (Al-Aly Z, 2021; Faour W.H. et al., 2022). COVID-19 билан касалланган беморларда буйраклар шикастланиши патогенезида асосий механизм, уларнинг “цитокинли бўрон” таъсирида мультитизимли яллиғланишга жалб этилиши (Naicker S., Yang S.W., et.al., 2020), баъзи тадқиқотларда эса вируснинг тўғридан-тўғри буйрак тўқимасига таъсири ҳам аниқланган (Yao X., Li T., He.Z., 2020). Буйракдаги структур – функционал ўзгаришлар микроальбуминурия аниқлангунга қадар юзага келади ва шу сабабли уни нефропатияни клиник белгиларидан олдин кузатиладиган синама деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли турли касалликларда юзага келадиган нефропатияларни эрта, клиник намоён

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида » ги Фармони

бўлишига қадар аниқлаш имконини берадиган маркерларини қидириш муҳим амалий аҳамият касб этади (Корр JB, 2020).

Тадқиқотлар натижасида СБК ер юзи аҳолисининг ўртача 10% да учраши, бунда Жанубий Осиёда 7%, Африкада 8%, Шимолий Америкада 11% гача, Европа, Ўрта ва Шарқий Осиё, Лотин Америкасида 12% гача тарқалганлиги қайд этилган. Дунё аҳолиси бошидан кечирган COVID-19 пандемиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу инфекциянинг катта ёшдаги кишиларда оғир кечиши бўлиб, қайсиким бу гуруҳдаги аҳоли орасида юрак қон-томир касалликлари билан касалланиш даражаси жуда юқори тарқалган (Г.П. Артюттов ва б.қ., 2020).

Юқорида қайд этилган икки касаллик Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган (Р.Д.Қурбонов, Г.А.Ҳамидуллаева, 2018; Урманова Ю.М, 2020; Ахмедова Н.Ш., 2022). Бинобарин шундай экан уларга боғлиқ ҳолда Республикамизда ҳам СБКга чалинган беморлар сонининг йил сайин ўсиб боришидан далолат беради. Бу ҳол нефропатияга олиб келувчи касалликларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш, олдини олиш ва монанд даволашни тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бирига айлантиради. ГК ҳамда у билан бирга кечганда буйраклар дисфункцияси келиб чиқишига дифференциал ёндашиш ҳамда унга кардио-нефропротектив муолажаларнинг таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ва тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг у бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №32/04/02.2022 йил «COVID – 19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2027 йй).

Тадқиқот мақсади. Гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг турли оғирлик даражаларини ўтказган беморларда нефропатия ривожланишини эрта ташхислашда лаборатор ва инструментал маркерларни аҳамиятини ўрганиш ва уларнинг даво самарадорлигига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқот вазифалари:

гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг турли оғирлик даражаси билан касалланиб, постковид синдромнинг кечки даврларида микроалбуминурия, буйраклар функционал ҳолатини креатинин ва цистатин-С кўрсаткичлари ёрдамида солиштирма баҳолаш;

гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг турли оғирлик даражаси билан касалланган беморларда постковид синдромнинг кечки даврларида тубулоинтерстициал шикастланиш даражасини таҳлил қилиш;

гипертония касаллиги ва COVID-19 коморбидликда кечган беморлардаги нефропатия ривожланишини баҳолашда уромодулиннинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг турли оғирлик даражаси билан касалланган беморларда буйрақлар гемодинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш;

гипертония касаллиги негизда COVID-19 коморбид ҳолатда кечганда уромодулин кўрсаткичларига гипотензив ва нефропротектив муолажалар таъсир самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган 40 нафардан (жами 120 нафар) 30-60 ёшдаги буйрак фаолиятига салбий таъсир (қандли диабет, сурункали юрак етишмовчилиги, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, буйрак ва сийдик йўллари тош касаллиги) қилувчи касалликлари бўлмаган беморлар, 3 та гуруҳга ажратилиб ўрганилди. Назорат гуруҳи сифатида ГК мавжуд бўлмаган COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган 30 та бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар иммунологик ва биокимёвий таҳлили учун веноз қони зардоби ва пешоб натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида клиник, биокимёвий (қон зардобидаги мочевина, креатинин, қон зардобидаги глюкоза, гликирланган гемоглобин), иммунофермент (альдостерон, цистатин-С), пешобда (микроалбуминурия, уромодулин), инструментал текширишлардан буйрак артерияси доплерографияси ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган беморларда буйрак шикастланиш даражаси солиштирма ўрганилиб, инфекцияни энгил ўтказиб, амбулатор даволанган беморларда нефропатия ривожланиш эҳтимоллиги юқори эканлиги исботлаган;

гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг энгил даражаси билан касалланган беморларда фон касаллик кечиш босқичига мос ҳолда TGF- β 1 ва IV тип коллаген миқдори ҳам параллел равишда кўпайиши, уромодулиннинг сийдик билан кам ажралиши буйракда склеротик жараёнлар ривожланиши ҳамда унда каналчалар дисфункциясининг ўрни аниқланган;

гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг энгил даражасида нефропатия ривожланиш даражаси, COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларга нисбатан юқорилиги ва уларда касалликнинг буйрак гемодинамикаси ҳамда функционал захирасига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

COVID-19 ўтказганларда гипотензив ҳамда нефропротектив муолажаларни, томирлар эндотелиал дисфункцияси, уромодулин даражаси ва буйрақлар функционал ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ГК ва COVID-19 коморбидликда кечган ҳолларда постковид синдромнинг турли даврларида микроалбуминурия буйрақлар дисфункциясининг ишончли маркери эмаслигини эътиборга олиш лозим.

Уни эрта тасхишлаш учун уромодулиннинг сийдикдаги кўрсаткичларини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

Ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибитори вакили ва ангиотензин рецепторлари антогонистларининг уромодулин ва трансформацияловчи ўсиш омили (ТЎО)га таъсири препаратларни ўрганилган гуруҳ касалликларида нафақат гипотензив балки эрта нефропротектив таъсир этиши тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўтказилган тадқиқотлар замонавий усул ва ёндашувлар асосида олиб борилганлиги, назарий маълумотлардан олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал, функционал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ҳисобланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГК COVID-19 билан коморбид кечганда СБКнинг клиник белгилари мавжуд бўлмаган беморларда уромодулин, ТЎО ва IV-тип коллаген ёрдамида буйраклар дисфункцияси ҳамда тубулоинтерстициал жараёнларини эрта аниқлаши билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. ГК COVID-19 билан бирга кечганда СБКнинг клиник белгилари мавжуд бўлмаган беморларда буйраклар дисфункциясини аниқлашни эрта маркерлари сифатида микроалбуминуриядан эмас балки уромодулиндан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Гипертония касаллиги негизда ривожланган постковид синдромда кузатиладиган нефропатияни ташхислашга замонавий ёндашувлар ва давони мувофиқлаштириш” мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида: «COVID-19 билан касалланган беморлардаги гипертония касаллигида нефропатия маркерларини баҳолаш ва даволашни муқобиллаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 июльдаги 8 н-р/811 сонли маълумотномаси).

Гипертония касаллиги негизда ривожланган постковид синдромда кузатиладиган нефропатияни ташхислашга замонавий ёндашувлар ва давони мувофиқлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Когон шаҳар ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 22.07.2022 8-н-з/379-сон хулосаси). Тадбиқ қилинган натижалар касаллик кечиши эҳтимоллигини аниқлаш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқаришига ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

Ушбу услубий тавсияномаларда уромодулин миқдори ҳамда буйраклар функционал захирасини аниқлаш COVID-19 ўтказган ГК да юзага келадиган

нефропатияларни эрта аниқлаш имконини яратиши ҳамда буюрилган гипотензив ва нефропротектив давони самарадорлиги кўрсатилган. Ушбу услубий тавсиянома касалликни эрта ташхислаш сифатини яхшилаш, патогенетик даво муолажаларини мувофиқлаштириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларни нашр этилганлик ҳолати. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий ишлар чоп этилган, улардан 9 таси илмий журналлардаги мақолалар, 6 таси тезислар

Диссертация структураси ва ҳажми. Диссертация 112 саҳифа матн кўринишида баён қилинган бўлиб, кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот материаллари ва услублари, мустақил изланиш натижалари бўлимлари, якуний қисм, хулоса ва амалий тавсиялардан иборат. Иш натижалари 19 жадвал ва 15 расмларда акс этган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 174 манбани қамраб олади. Улардан 21 та маҳаллий. 78 (МДХ) ва 75 узоқ хорижий муаллифлар.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида гипертония касаллигида буйраклар зарарланиши ва муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. СБК ривожланишида гипертония касаллигининг ўрни, унга COVID-19 касаллиги қўшилганида нефропатия ривожланишининг эрта маркерларини ўз вақтида аниқлаб, даволашнинг замонавий жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материалларининг умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

Тадқиқот манбаси сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида амбулатор мурожаат қилган ва стационар шароитда даволанган, анамнезида COVID-19 ўтказган, постковид синдром аниқланган 120 нафар бемор олинган. Улар ўз навбатида 2 та: COVID-19 енгил даражаси билан касалланиб, амбулатор шароитда даволанганлар (49,2%) ва COVID-19 нинг ўрта оғир даражаси билан касалланиб (50,8%), стационар даво олганлар

гуруҳига бўлинди. Аёллар сони 57 та (47,5%) ва эркаклар 63 нафар (52,5%) ни ташкил этган. Шунингдек бу гуруҳлар ўз навбатида ГК босқичига кўра кичик гуруҳларга ажратилган, жумладан COVID-19 энгил даражаси гуруҳида ГК I босқичи бўлган беморлар 29 та, ГК II босқичи бўлганлар 28 та ва ГК III босқичи мавжуд бўлганлар эса 2 нафарни ташкил этди. COVID-19 нинг ўрта оғир даражаси билан касалланганлар ГК босқичи бўйича ўрганилганда кўрсаткичлар мос ҳолда 18;16 ва 27 нафарни ташкил этган.

Назорат гуруҳи сифатида ГК мавжуд бўлмаган COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган 30 та бемор олинган.

Гуруҳлар орасида ГК босқичи ва COVID-19 кечиш оғирлик даражаси бўйича солиштирма солиштирма таҳлил ўтказилган.

Кузатувдаги барча беморларда умумқабул қилинган клиник-лаборатор текширувлар, шу жумладан, микроалбуминурия, цистатин-С ёрдамида КФТ аниқлаш, каналчалар дисфункциясини баҳоловчи IV тип коллаген ва уромодулиннинг сийдикдаги миқдори аниқланган, ҳамда муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлар солиштирма ўрганилган.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг умумклиник – умумий қон ва пешоб таҳлили, қондаги глюкоза миқдори, биокимёвий – жигар трансферазалари, холестерин, билирубин, мочевино, креатинин, цистатин-С, қондаги липид спектри, коагулограмма, альдостерон, IV тип коллаген, трансформацияловчи ўсиш омили (TGF- β_1), уромодулиннинг сийдикдаги миқдори, микроалбуминурия (МАУ) бир марталик ва суткалик миқдори, шунингдек, асбобий буйрак томирлари доплерографияси текширувлари ўтказилди. Кузатувдаги барча беморларда текширувлар даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг ўтказилди.

Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг таҳлилида ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиши (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (%) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати экссесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (p) ҳисоблаш Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «Гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган беморларда айрим лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини солиштирма таҳлили асосида нефропатия ривожланиши аҳамиятини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида ГК ва COVID-19 билан коморбидликда кечганда ҳамда постковид синдромнинг турли даврларида нефропатия ривожланиш даражаси ўрганилган.

Биз тадқиқот ишимизда клиник белгиларсиз кечаётган нефропатияларни эрта аниқлаш мақсадида унга жалб қилинган гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг энгил даражасида амбулатор даволанган ва ўрта оғир даражасида стационар даволанган беморларда буйрак

фаолиятини баҳоловчи қатор лаборатор ҳамда асбобий текширувлар ўтказдик ҳамда таҳлил натижаларини солиштирма ўргандик. Беморлар текшириш натижаларининг умумий маълумотлари 1–жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилганидек систолик артериал босимнинг (САБ) ўртача кўрсаткичлари барча гуруҳларда коронавирус инфекцияси ўрта оғир даражаси билан касалланиб соғайган беморларда унинг енгил даражасини ўтказганларга нисбатан юқори эканлигини аниқланди. Аммо улар ўзаро солиштирма ўрганилганда ишончли фарқлар қайд этилмади ($p>0.05$). Диастолик артериал босим (ДАБ)нинг ўртача кўрсаткичлари ҳам COVID-19 нинг ўрта оғир даражаси билан касалланиб соғайган беморларда нисбатан юқори эканлиги кузатилди, лекин фарқлар ишончсиз бўлди ($p>0.05$). Кузатувдаги беморларда қондаги глюкоза миқдорида ҳам гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ аниқланмади.

Қон зардобиддаги креатинин миқдори гипертония касаллигининг биринчи босқичи мавжуд COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда $74,5\pm 5,4$ мкмол/л ва COVID-19 нинг енгил даражасини ўтказган беморларда $82,8\pm 6,2$ мкмол/л га тенг бўлди ($p>0.05$).

1-жадвал.

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда ўтказилган лаборатор ва асбобий текширувларнинг умумий кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	Гипертония касаллиги I босқич n=44		Гипертония касаллиги II босқич n=38		Гипертония касаллиги III босқич n=38	
		COVID-19 амбулатор даволанган n=26	COVID-19 стационар даволанган n=18	COVID-19 амбулатор даволанган n=22	COVID-19 стационар даволанган n=16	COVID-19 амбулатор даволанган n=11	COVID-19 стационар даволанган n=27
1	Систолик артериал босим, мм.сим.уст	154,2±10,4	149,6±7,6	168.6±12,5	165,3±10,4	166.8±15.4	164,2±10,4
2	Диастолик артериал босим, мм.сим.уст	92,3±6,4	90.8±4,2	97.2±4.6	95,3±5,6	96,4±5,2	100,2±6,4
3	Қондаги глюкоза миқдори, ммол/л	4.97±0,3	4.05±0,6	4.8±0.7	4.05±0,8	6,2±1,1	6,4±1.2
4	Креатинин, мкмол/л	82.8 ±6,2	74,5 ±5,4	84,8 ±4,2	100.2±5.7*	113,6±7,7*	107,3±5.2
5	Цистатин-С, мг/мл	0,9 ±0,04	0,8 ±0,03	1.1±0.02*	1,0 ±0,04	1,3±0,06**	1,1±0,04
6	Коптокчалар филтрацияси тезлиги, мл/мин/1,73 м ²	95±5,6	104±6,2	74 ±4,6*	89±5,6	58,5±4.1*	52±4.3


Изох: * - фарқлар COVID-19 ўрта оғир даражаси ва энгил даражаси ўтказган гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$).

ГК II босқич COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда $100,2 \pm 5,7$ мкмол/л ва COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларда $84,8 \pm 4,2$ мкмол/л ни ташкил этиб, биринчисидан 1,2 маротаба юқори бўлди ҳамда ишончли фарқ қайд этилди ($p < 0,05$).

ГК III босқич беморларда иккала гуруҳда кўрсаткичлар мос равишда $113,6 \pm 7,7$ мкмол/л ва $107,3 \pm 5,2$ мкмол/л га тенг бўлди ва ишончли фарқ аниқланди ($p < 0,05$).

Жадвалдаги келтирилган маълумотлар гипертония негизидан COVID-19 нинг энгил даражаси билан касалланиб, амбулатор даво олган беморларда буйрак фаолияти бузилиши стационар даво олганлардан кўра яққолроқ намоён бўлганлигини кўрсатади. Тадқиқотга жалб қилинган ГК биринчи босқич мавжуд COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда 57 %, COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказганларда 52 % ҳолатда микроалбуминурия аниқланди. ГК II-III босқич мавжуд беморларда бу кўрсаткич мос равишда 80%-70% ва 100%- 85% ни ташкил этди.

Қуйидаги 1 расмда COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказганлар беморларда ГК босқичларига мос равишда буйрак коптокчалари фаолияти, буйрак функционал захираси (БФЗ) нинг креатинин ва Цистатин С ёрдамида аниқланган кўрсаткичлари, ҳамда микроалбуминурия суткалик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили келтирилган.




1- расм. Гипертония касаллиги негизидан COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларда ГК босқичига боғлиқ ҳолда буйрак фаолияти кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили.

Ўтказилан таҳлил натижаларига асосан буйрак фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлардан МАУ ГК босқичига мос ҳолда тўғри пропорционал

равишда ошиб борган бўлса, БФЗ, КФТ касаллик босқичига мос ҳолда камайиб борганлигини кузатиш мумкин.

Худди шу кўрсаткичлар COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган гипертония касаллиги мавжуд беморларда солиштирма ўрганилганда бу гуруҳда ҳам мос ҳолдаги ўзгаришлар аниқланди (2-расм).



2- расм. Гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда ГК босқичига боғлиқ ҳолда буйрак фаолияти кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили.

Тадқиқот ишининг кейинги босқичларида ГК негизда COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаларини ўтказган беморларда коронавирус инфекциясининг кечиш оғирлиги ва олинган даво турига мос ҳолда постковид даврда буйрак фаолиятининг бузилиши кўрсаткичлари солиштирма таҳлили ўтказилди (2-жадвал).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказиб, амбулатор даво олган беморларга нисбатан МАУнинг суткалик ўртача кўрсаткичи, касалликни ўрта оғир даражасини ўтказиб, стационар шароитда даволанган беморларда 1,76 марта юқори бўлсада (мос ҳолда 54,3 мг/сутка [31,7; 109,8] ва 95,6 мг/сутка [48,5; 119,4]) инфекцияни энгил даражасини ўтказиб, амбулатор даволанган беморлар орасида МАУ нинг юқори даражаси мавжуд бўлган беморлар сони стационар даво олганларга нисбатан 1,3 марта кўп кузатилди ($p < 0,01$).

КФТ ни креатинин ва цистатин С ёрдамида текширганда ҳар иккала гуруҳ беморларида ҳам буйрак фильтрациясининг назорат гуруҳига нисбатан пасайганлиги аниқланди. Бунда цистатин С ёрдамида аниқланган кўрсаткичлар бир мунча ишончлилиги юқори эканлигини инобатга олиб, гуруҳлараро солиштирма таҳлилида ушбу кўрсаткич $97,3 \text{ мл/мин}/1,73\text{м}^2$ ва $96,5 \text{ мл/мин}/1,73\text{м}^2$ ни ташкил этди. Бу шуни англатадики, постковид даврда буйрак фаолияти бузилиши инфекция кечиши оғирлик даражаси билан боғлиқ эмас, яъни гипертония негизда инфекция энгил кечган беморларда КФТ назорат гуруҳига нисбатан 1.27 марта пасайганлиги кузатилди ($p < 0,01$).

Буйрак филтрацион фаолияти ўзгаришини эрта баҳоловчи ва башоратловчи кўрсаткичлардан бири БФЗ бўлиб, ГК негизида COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда солиштирма таҳлил натижалари 1 гуруҳда заҳиранинг назорат гуруҳига нисбатан 2.5 марта, 2 гуруҳда эса 3.5 мартага пасайганлиги аниқланди ($p < 0,001$). Эътиборли томони шундаки, COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморлар орасида захира умуман мавжуд бўлмаган беморлар 45,4% ни ташкил этди.

2-жадвал

COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаларини ўтказган беморларда инфекция кечиш даражасига мос ҳолда постковид даврда буйрак фаолияти кўрсаткичларнинг солиштирма таҳлили


Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=30	n=120	
		COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказиб, амбулатор даво олган беморлар n=59	COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказиб, стационар даво олган беморлар n=61
Креатинин (мкмоль/л)	78,2 [41,8; 64,5]	79,4** [63,1; 107,4]	87,8** [71,4; 117,3]
КФТ (Cr), мл/мин/1,73м ²	123,4 [129,4; 141,2]	107,3* [83,4; 138,4]	97,2* [68,4; 131,4]
БФЗ (Cr), %	32,7 [10,4; 51,3]	16,2* [-6,1; 27,8]	11,6 [-9,5; 29,1]
Цистатин С, мг/л (0,53-1,04)	1,1 [0,57; 1,3]	1,2* [0,94; 1,63]	1,37* [0,93; 1,51]
КФТ(Sys C), мл/мин/1,73м ²	124,1 [116,3; 142,4]	97,3 [83,4; 127,6]	96,5 [86,4; 128,4]
БФЗ (Sys C), %	29,1 [22,4; 47,3]	11,7** [-7,2; 24,3]	8,4** [-10,6; 29,3]
МАУ	14,2 [0,3; 18,7]	54,3* [31,7; 109,8]	95,6* [48,5; 119,4]

Изоҳ: * $p < 0,01$; ** $p < 0,001$. МАУ -микроальбуминурия; КФТ- коптокча филтрация тезлиги; БФЗ- буйрак функционал заҳираси.

Ўрганилган илмий адабиётларда коронавирус инфекциясида буйрак фаолиятининг бузилиши айнан каналчалар шикастланиши билан кечиши ҳақида маълумотлар келтирилганлигини (М.А. Хасун ва б.к., 2020) инобатга олиб тадқиқот ишининг кейинги босқичларида беморларда диагностик ва прогностик маркер сифатида уромодулиннинг сийдикдаги миқдори

ўрганилиб, иккала гуруҳда ҳам микроалбуминуриянинг қатор кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилди (3-4-расм).


Уромодулин – молекуляр массаси 80-90 кДа бўлган гликопротеид бўлиб, у асосан буйрак дистал каналчаларининг бошланғич қисмларидан экскреция қилинади ва нормада суткалик сийдикда 15-100 мг гача мавжуд бўлади (А.В. Смирнов ва б.қ., 2018; Cavalonne D. Et.al., 2000).



3- расм. Гипертония касаллиги негизда COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларда ГК босқичига боғлиқ ҳолда буйрак каналчалари фаолияти кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили.

Юқоридаги диаграммада келтирилган маълумотлардан кўриниб турибтики, ГК негизда коронавирус инфекциясининг энгил даражаси билан касалланган гуруҳдаги беморларда нефропатия ривожланишининг анъанавий маркерларидан МАУ кўрсаткичи ГК кечиш босқичига мос ҳолда ошиб бориш тенденциясини кўрсатди, мос ҳолда $38,4 \pm 1,2$ мг/кун; $56,7 \pm 0,9$ ва $102,3 \pm 0,4$ мг/кун. Биомаркерлардан IV тип коллаген миқдори ошиши ГК I босқичида деярли кузатилмади, бу биомаркернинг патологик силжиш билан намоён бўлиши ГК III босқичида яққол намоён бўлиб, у назорат гуруҳи кўрсаткичидан 1,5 марта ошганлиги аниқланди. Уромодулиннинг сийдикдаги кўрсаткичи 1 гуруҳдаги беморларда ГК кечиш босқичи билан боғлиқ ҳолда солиштирма таҳлилида шуни кўриш мумкинки, фон касаллик кечиш босқичи ошиб бориши билан уромодулиннинг сийдикдаги миқдори тескари пропорционал равишда камайиб борганлиги кузатилди, яъни ГК I босқичида уромодулиннинг сийдикдаги миқдори, назорат гуруҳига нисбатан 1,12 мартага, касалликнинг II босқичи мавжуд беморлар гуруҳида ўртача 1,2

мартага ва ГК III босқичида 1,3 мартага камайган ($p < 0,001$). Уромодулиннинг сийдикда ажралиш миқдори ва фон касаллик кечиш босқичи орасида кучли манфий корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r = -1.12$; $p < 0,01$).



4- расм. Гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда ГК босқичига боғлиқ ҳолда буйрак каналчалари фаолияти кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили.

Гипертония касаллиги мавжуд COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларда микроалбуминурия билан фон касаллик кечиш босқичи орасида ($r = 0.5$; $p < 0,01$), IV тип коллаген ($r = 0.628$; $p < 0,01$), TGF-β1 ($r = 0.4$; $p < 0,05$) мусбат ва уромодулин орасида кучли манфий ($r = -1.05$; $p < 0,01$) корреляцион боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, уромодулин кўрсаткичлари ва микроалбуминурия орасида кучли мусбат корреляцион боғлиқлик қайд этилди ($r = 0.758$; $p < 0,001$).

Ундан ташқари COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда ҳам юқоридаги кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди, лекин уромодулин миқдори COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган беморларга нисбатан кучсиз эканлиги маълум бўлди.

Уромодулин миқдори ГК I босқичи мавжуд COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда $91,6 \pm 5,8$ нг/мл ва унинг энгил даражасини ўтказганларда $87,2 \pm 6,1$ нг/мл ни ташкил этиб юқори ишончли фарқ аниқланди ($p < 0.01$). Касалликнинг II босқичи мавжуд беморларда мос равишда $88,3 \pm 6,5$ нг/мл ва $84,3 \pm 7,1$ нг/мл га тенг бўлди ($p < 0.01$). ГК III

босқичи мавжуд COVID-19 ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда $81,5 \pm 8,2$ нг/мл ва енгил даражасини ўтказганларда $75,6 \pm 9,7$ нг/мл бўлиб 1,07 марта кам бўлди ($p < 0,05$).

Бу шуни англатадики, ГК негизида коронавирус инфекциясининг енгил даражаси билан касалланиб, амбулатор даволанган беморларда постковид синдром даврида буйрак каналчалари шикастланиш даражаси, инфекциянинг ўрта оғир даражасини ўтказиб, тавсияномаларга мос ҳолда стационар шароитда даволанган беморларга нисбатан кучлироқ эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотга жалб қилинган барча гуруҳларда БФЗ сақланганлиги аниқланди. Лекин COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда унинг кўрсаткичлари енгил даражасини ўтказганларга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги қайд этилди. Хусусан, ГК I босқич COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган ҳамда унинг енгил даражасини ўтказган беморларда БФЗ мос равишда $20,1 \pm 2,6$ % ва $22,5 \pm 3,1$ % ни ташкил этди ($p > 0,05$). ГК II босқичи мавжуд беморларда ишончли ўзгаришлар аниқланди ($p < 0,05$). ГК III босқич COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда $7,8 \pm 1,1$ % ва унинг енгил даражасини ўтказганларда $12,5 \pm 1,6$ % га тенг бўлиб юқори ишончли ($p < 0,001$) ўзгаришлар қайд этилди.

Гипертония касаллиги мавжуд COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларда БФЗ билан фон касаллик кечиш босқичи ($r = -0,588$; $p = 0,001$), микроалбуминурия ($r = -0,610$; $p < 0,001$) TGF- $\beta 1$ ($r = -0,434$; $p = 0,001$) ва IV тип коллаген ($r = -0,620$; $p < 0,001$) орасида ўртача кучли манфий, уромодулин ($r = 0,865$; $p < 0,001$) билан кучли мусбат корреляцион боғлиқлик кузатилди. Шунингдек, COVID-19 нинг енгил даражасини ўтказган беморларда ҳам юқоридаги кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди, лекин COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказган беморларга нисбатан кучсиз бўлди.

Диссертациянинг 3 бобидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ГК негизида COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда постковид синдром даврида нефропатия ривожланиш эҳтимоллиги ушбу фон касалликсиз коронавирусни ўтказганларга нисбатан 1,33 марта юқори бўлиб, буйрак каналчалари шикастланиши, инфекциянинг енгил даражаси билан касалланиб, амбулатор шароитда даволанганларда яққолроқ намоён бўлган.

Диссертациянинг “**Гипертония касаллиги негизида COVID-19 нинг енгил ва ўрта оғир даражалари билан касалланган беморларда айрим лаборатор ҳамда асбобий текшириш натижаларини муолажалардан кейинги солиштирма таҳлили**” деб номланган 4 бобида лаборатор кўрсаткичлар ҳамда асбобий текшириш натижаларининг солиштирма таҳлили ўтказилган.

Гипертония касаллигининг стандарт давосини қабул қилган 6 ой проспектив кузатувдаги беморларда олинган лаборатор таҳлилнинг қиёсий натижалари қуйдагича бўлди (3-жадвал).

3-жадвал.

COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражаларини ўтказган беморларда инфекция кечиш даражасига мос ҳолда постковид даврда буйрак фаолияти лаборатор кўрсаткичларнинг даво муолажаларидан кейинги солиштирма таҳлили


№	Кўрсаткичлар	COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказиб, амбулатор даво олган беморлар n=59		COVID-19 нинг ўрта оғир даражасини ўтказиб, стационар даво олган беморлар n=61	
		Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин
1	Креатинин, мкмол/л	79,4±5,4**	74.3 ±5,6	87,8 ±5,4	68,2 ±5,1
2	Коптокчалар фильтрацияси тезлиги, мл/мин/1,73 м ²	107,3±5,3	118,1±4,3	97,2±5,6	110,2±4,4
